



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 15 февраль, № 32 (7262)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЁШЛАР ОРЗУСИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЭДИ?



Халқ орасида “вuzгородок” номи билан машҳур маскан пойтахтнинг мўъжазгина жойини эгаллаган бўлса-да, унинг довруғи мамлакатнинг ҳар бир бурчагига етиб борган, десак, адашмаймиз. Зотан, бугун юртимизда истиқомат қилаётган аксарият зийлиларнинг тақдирини, катта ҳаётдаги дастлабки қадамлари, ёрқин онлари айнан шу ер билан боғлиқ.

XX асрда бунёд этилган мазкур шаҳарча йиллар ўтиши билан абгор аҳволга келиб қолганини кўпчилик яхши эслайди. Бу ердаги инфратузилма, талабаларнинг яшаш шароити ва маданий-ижтимоий муҳит мутлақо талабга жавоб бермасди.

Кеча ва бугун

Мустақилликка эришганига кўп бўлмаган, шундоқ ҳам “иқтисодий муаммолар” (бу сўзларни нега кўштирноққа олганимизни кейинроқ тушуниб оласиз) гирдобидан қолган мамлакатнинг эртанги келажагини белгилаб берадиган асосий куч — ёшлар

камол топадиган масканга эътибор етарли эмасди. Фақатгина 2003 йилда Шавкат Мирзиёев ҳукумат тепасига келгач, барча жабҳа қатори таълим соҳасига бўлган қарашлар ҳам ўзгарди. Хусусан, Бош вазир Шавкат

Мирзиёев 2005 йили “Ёшлик” талабалар шаҳарчасига бориб, у ердаги аҳвол билан танишади. Мавжуд вазиятни кўриб, зарур чоралар белгилайди. Бироқ шаҳарчада амалга оширилган ишлар ҳамирдан қил суғиргандек осон кечмаган эди...

Биз ўша даврда мазкур бунёдкорликда иштирок этган мутасаддилар билан суҳбатлашдик. Улар воқеаларни шундай эсга олишди.

4-саҳифага қаранг.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Сайловда қатнашишни чекловчи нормалардан воз кечилди

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги бўйича 5 та қонун мавжуд бўлиб, бу ҳуқуқни қўллашда бир қатор мураккабликлар туғдиради. Сайлов жараёни ва уни ўтказиш тартиб-тамоийллари ҳамда қоидаларининг кўпи қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқномалари билан тартибга солинади.

Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлашда 20 дан ортиқ хорижий мамлакатлар тажрибаси, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро стандартлар ўрганилган. Қайд этилганидек, Франция, Бельгия, Польша, Албания, Арманистон, Озарбайжон, Болгария, Грузия ва бошқа мамлакатларда ягона сайлов кодекси мавжуд.

Франция аъзоларининг таъкидлашича, лойиҳада демократия тамойилларидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳафти катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи амалдаги нормалар чиқариб ташланмоқда. Бундан ташқари, унда муддатидан олдин овоз бериш сайловга 3 кун қолганида тугаши белгилянапти.

Асосий ташаббуслар инобатга олинди

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси аъзолари Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокамасида ушбу ҳужжатда партия томонидан тақдим қилинган асосий тақлифлар ўз ифодасини топганини қайд этдилар.

Кодекс лойиҳаси 18 боб, 101 моддадан иборат бўлиб, унда бир қатор янги қоидалар назарда тутилмоқда. Жумладан, ҳужжатда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби назарда тутилди.

Овоз бериш жараёнида эса сайловчиларга бир неча палаталардан (плюс, икс ва б.) бирини қўйиш им-

конияти берилмоқда. Шунингдек, илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низоми бекор қилиниб, бу масалани қонун даражасида белгилаш тақлиф этиляпти. Сайловчилар рўйхатида ўзгартишлар киритиш ва муддатидан олдин овоз бериш тартиблари, ташвиқот ишларининг ягона муддати белгиланмоқда. Фракция аъзолари томонидан кодекс лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан ҳам бир неча тақлифлар берилди.

Номзодларнинг ишончли вакиллари сони кўпайтириляпти

Жорий йилнинг декабрь ойида парламентга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнида ягона сайлов нормаларини ўзида мужассам этган қонун ҳужжати зарурлиги “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йўғилишида айтиб ўтилди.

Кодекс лойиҳасига сайлов шаффофлигини таъминлаш мақсадида бир қатор янги нормалар киритилмоқда. Хусусан, номзодлар ишончли вакиллари ўзбекистон Республикасидаги сафар харажатлари сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағ ҳисобидан қопланиши, замон талаби-

дан келиб чиқиб ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, сайловчилар электрон рўйхати, сайлов ушасткасида овозларни унаш яқини бўйича баён-номанинг нусхасини дарҳол жойлаштириш тартиби белгилянаётгани фракция аъзолари томонидан ижобий баҳоланди.

Фракция аъзолари томонидан кодекс лойиҳасида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 3 нафардан 5 нафаргача кўпайтириш назарда тутилётгани лойиҳанинг амалийёти билан уйғун равишда ишлаб чиқилганидан далолатдир, дея қайд этилди.

Фармон ва ижро

ЎЗГАРИШЛАР НАТИЖАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИДА АКС ЭТЯПТИМИ?

Президентимизнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганга ҳам бир йил тўлди. Очигини айтиш керак, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларни рўйбга чиқариш учун бу кам муддат эмас, албатта. Бу борадаги сайё-ҳаракатлар натижасида тизимда бир қатор ўзгаришлар ва янгиланишлар кузатилаётганини ҳаётини мисоллар орқали кўриш мумкин. Бироқ негадир ажрашиллар сони кўпаяётгани, жиноятга қўл урган аёллар сафи тобора ортиб бораётгани оғриқли масалалардан саналади. Мухбиримиз бу ҳақда, қолаверса, опа-сингилларимизнинг жамиятда тутган ўрни хусусида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила НОРБОЕВА билан суҳбатлашдик.

— Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда хотин-қизларнинг қанчалик фаол? Бу раҳбар сифатида сизни қониқтирадими?

— Йўқ, хотин-қизларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида ҳали ҳамкорликда қиладиган ишларимиз талайгина. Сиёсий партиялар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланган бўлишига қарамастан, уларнинг ижросини таъминлашга етарли эътибор қаратилмаяпти.

Вакиллик органлари ҳамда парламент депутатлигига номзод кўрсатиш жараёнида хотин-қизлар учун белгиланган 30 фоизлик квота қамраб олинмаяпти.

Бугунги кунда вакиллик органлари ва парламент депутатлари орасидаги хотин-қизлар улуши 15 фоизни ҳам ташкил этмайди. Сабаби кўрсатилаётган номзод-

ларни тайёрлаш борасида тизимли иш олиб борилмаяпти, айниқса, раҳбарлик лавозимларига хотин-қизлардан номзод сўралса, топиб ҳам бера олмаёلمиз. Ҳозирги кунда раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бораётган аёллар сони 1 фоизни ҳам ташкил этмайди.

Жойларда хотин-қизларнинг етакчилигини таъминлашда асосий бўлган бошланғич таъкилотлар фаолиятлари ҳам қониқарсиз аҳволда.

— Сизнингча, муаммоларни бартараф этиш юзасидан қандай чоралар кўриш лозим?

— Аввало, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг кадрлар билан ишлаш концепциясини ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз лозим.

Лондон фонд биржаси: Талаб таклифдан бир неча марта ортиқ



Ўзбекистон илк бор беш ва ўн йиллик давлат халқаро облигацияларини Лондон фонд биржасига муваффақиятли жойлаштирди. Ҳар икки муддатга ҳам 500 миллиондан, жами 1 миллиард долларлик евробондлар йўналтирилди.

Ортимиз учун ушбу воқеа аҳамияти нисбатан катта. Сабаби Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар қўшимча молиявий таъминот, хориж инвестицияларини фаол жалб этишни талаб қиляпти. Қўллаб-қувватлов томонидан бу борада синовдан ўтказилган йўл халқаро облигациялар, бошқача айтганда, евробондлар чиқаришдир. Давлат ёки йирик компания уни чиқара туриб, муайян муддатга тегишлича қарз маблағларига эга бўлади. Бундай қимматбаҳо қозғоларни харид қилган сармоядорлар қўйилган фоиз ставкаларига қараб ҳар йиллик даромадни, белгиланган муддат якунига етгач, қарзнинг

асосий суммасини қайтариб олади.

Халқаро экспертлар облигацияларнинг халқаро бозорига кириб келишда муваффақият қозониш ёки омадсизликка учраш бир қатор омилларга боғлиқ деб ҳисоблашади. Жумладан, чет эллик инвесторларнинг у ёки бу мамлакатга нисбатан муносабати ҳам евробондлар тақдирини ҳал этиши мумкин.

Қувончлиси, Ўзбекистоннинг халқаро капитал бозори сари ташлаган илк қадами муваффақиятли кечди. Зеро, Молия вазирлиги томонидан бу борада олдиндан улкан ишлар амалга оширилди.



Хушxabар

«Облигацияларни чиқариш — инвесторлар учун яхши янгилик»

Мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Жамшид Қўчқоров дунё бўйича молия янгиликларини етказиб бериш борасида етакчи бўлган “Bloomberg L. P”га интервью берди. Суҳбат мавзуси дунёда катта акс садо берган, Ўзбекистон томонидан евробондлар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим воқеага бағишланди.



“Евробондлар чиқариш — салоҳиятли инвесторлар учун яхши янгилик. Облигациялар эмиссияси хорижий инвесторлар ва барча ҳамкорларимиз олдида бизга масъулият юклайди”, — дея таъкидлади Ж. Қўчқоров.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда барчада, биринчи навбатда, чет эллик инвесторларда даромад олиш (репатриация) ёки импорт келишувлари учун валютадан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бироқ валюта бозорига капиталнинг ҳаракатланиши учун айрим чекловлар сақланиб турибди.

Инвесторларни жалб этиш асосида инглиз тилидаги статистик маълумотларни олиш билан боғлиқ муаммо ҳам ҳал бўлади. Зеро, юртимиз Халқаро валюта жамғармаси стандартлари бўйича маълумотларни тарқатишга қўшилди. Бу эса иқтисодий статистикадан бемалол бохабар бўлиш имконини берди. Айни чоғда маълумотларни онлайн режимида инглиз тилига таржима қилиш бўйича ишлар олиб бориляпти, деди молия вазири “Bloomberg L. P”га берган интервьюсида.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур...

Мамлакатимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллиги кенг нишонланди.

Модиртхэ

Таълим муассасалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар, боғ ва хиёбонларда ўтказилган бобурхонликлар, адабий-бадиий кечалар, ёзувчи-шоирлар ҳамда ёшлар учрашувлари улғу аждодимиз шахси ва ижодига бўлган юксак эҳтиром ифодасидир. Ана шундай тадбирлардан бири Андижон шаҳридаги шоҳ ҳамда шоир бобомиз

номини аталувчи майдонда кўтаринки руҳда ташкил этилди. Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюм-маси, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида уюштирилган тадбирга нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюрди.

Буюк аждодимиз хайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда таъкидланганидек, тақдир тақозоси билан “Ҳинд сори” юзланишга мажбур бўлган шоҳ ва шоир ўз шеърларида Ватан соғинчию гурбатгами, зафарлар қувончию мағлубиятлар аламини ёрқин бўёқлар билан акс

этирган. Мутафаккир ўз асарларида илгари сурган инсонпарварлик, адолат, ватанпарварлик, мардлик, садоқат гоёлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, инсонларнинг бахтли ҳаётида “йўлчи юлдуз” бўлиб келмоқда.



Шу боис буюк бобомиз

авлодлар ёзозиди, хурмат-эътиборида. Зеро, унинг ўзи айтганидек: "Хар кимки вафо қилса, вафо топқусидур".

— Захриддин Мухаммад Бобур асарлари Шарқ халқлари урф-одати, маданияти, анъаналари, турмуш тарзидан сўзлайди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Восит Аҳмад. — Унинг нозик дид билан ёзилган асарлари асрлар давомида авлодлари Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаб келмоқда. Тантанали тадбирда шоир газаллари ва рубойларидан



Хар кимки вафо қилса, вафо топқусидур...

намуналар ўқиди, ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган саҳна асарлари намойиш этилди. Бобур номидаги халқро жамоат фонди биносида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда фонд томонидан Бобур ва бобурилар ҳаёти, ижодий меросини ўрганиш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси лойиҳалар муҳокама этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Бобур номидаги халқро экспедициянинг Ҳиндистон ҳамда Қирғизистонда амалга оширган сафарлари давомида қўлга киритилган ютуқлар йиғилганларда қизиқиш уйғотди. Жумладан, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзонинг қабри аниқлаш борасида олиб

борилётган изланишлар ҳеч қандай бефарқ қолдирмади. Анжуманда Бобур асарларининг моҳияти ҳусусида фикр юритилди, бу борада олиб борилётган тадқиқотлар, улар асосида нашр этилаётган китоблар тақдироти ўтказилди. Буюк бобокалонимиз таваллудига бағишланган тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудида бўлиб ўтди.

Саминжон ХУСАНОВ («Жалқ сүзи»).



Хусанжон АРАББЕКОВ олпан сўраётган.

Харбий хизматчилар иншо ёзди

Чирчиқ шаҳридаги харбий қисм ҳудудида ўзбек миллий мумтоз адабиёти намояндалари ҳақидаги маълумотлар тартиб билан жойлаштирилган. Улар орасида Захриддин Мухаммад Бобур сиймосига алоҳида эътибор қаралган. Чунки харбийлар Бобур тимсолида улғур сўз санъаткори билан бир қаторда, етук харбий саркардани ҳам кўрадилар. Шу боис буюк сиймога ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади.

Президентимизнинг 2018 йил 4 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Қурол-Кучлари харбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Бобур таваллудининг 536 йиллиги му-

носабати билан бу ерда "Бобур — умумармия ёшлари нигоҳида" деб номланган тадбир ташкил этилди. Харбий оркестр садолари, аскарлар чиқишлари, янграган газаллар тадбирга ўзгача фойда бағишлади.

Харбий хизматчилар орасида иншолар танлови бўлиб ўтди. Иштирокчилар ўз ижодий ишларида Бобурнинг

миллий мумтоз адабиёти-мида тугган ўрни билан бир қаторда унинг саркардалик маҳоратини ҳам таърифладилар.

— Бу каби тадбирлар харбий ҳамда жанговар тайёрликни ошириш, харбий интизомни мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутаяди, — дейди харбий қисм командирининг тарбиявий ва маънавий ишлар бўйича ўринбосари Олим Йўлдашов.

Тадбирда фаол қатнашганлар, иншо танлови ғолиблари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан рағбатлантирилди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ («Жалқ сүзи»).

ШАКАРДАН 150 БАРОБАР ТОТЛИ

Шундай бўлса-да қандли диабет билан хасталанган беморлар бемалол истеъмол қилишлари мумкин.



Изланиш

Шакар шарқамиздан ёки қандлавландан олинишни барчамиз яхши биламиз. Дарҳақиқат, ҳар куни дастурхонимиздан ўрин олувчи шакарнинг асосий хом ашёси айни шу экинлар ҳисобланади. Ҳақон соғлиқни сақлаш ташкилоти кунига 60 грамм атрофида шакар истеъмол қилишни тавсия этади. Бу тахминан 4 ош қошиқ, деганидир. Демак, унга бўлган талаб кам эмас. Лекин табиати-миз саҳий. Унинг бағрида шундай ноёб ўсимликлар мавжудки, у ширинлиги бора-сида юқорида таъкидланган икки экиндан ҳам аъло. Стевия — улардан бири.

Маэкур ўсимлик Ўзбекистонга ҳаваскор ботаниклар томонидан олиб келинган. Хусусан, унинг дамламасидан олинган стевеозид моддаси шакардан 150 баробар ширин. Стевиеозидни қайта ишлаш натижасида олинган ребадизид моддаси 300 баробаргача тотли. Шунингдек, у ўта шифобахш ҳамдир. Яъни унинг ширинлик даражаси юқори бўлса-да, қандли диабет билан хасталанган беморларнинг ширинликка бўлган чанқоғини қондиришда қўл келади. Ваҳолонки, бундай беморларга ширинлик мумкин эмас. Ўзига хос парадоксни қарангки, стевия ширинлиги бунга ҳалақит бермайди.

Қолаверса, у инсон имунитетини оширади. Қон босимини меъёрлаштиради. Антисептик, антисептик ва антиоксидантлик таъсири бор. Асосийси, истеъмолда меъёри чексиз. Инсон организми учун салбий

таъсири кузатилмайдими. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дамлама сифатида тавсия қилинган.

Юртимизда стевияни ўстириш ҳамда чуқур қайта ишлаш жараёнлари тўлиқ ўрганиб чиқилган. Уни уруғлантириш, қаламча усули билан кўчат етиштириш қўлланиб келинмоқда. Натижалар эса ҳайратланарли. Заминимизда парваришланган ўсимликдаги стевеозид моддаси дунёнинг бошқа мамлакатларида етиштирилганига қараганда анча юқори — 19,7 фоизни ташкил қилади. Маэкур кўрсаткич, масалан, бу борада илгор бўлган Жанубий Кореяда 16 фоизга тенг. Мутахассислар бунинг сабабини республикамизнинг ўзига хос иқлими билан таснифлашади.

Яна бир маълумот: Жанубий Кореяда етиштирилган стевиянинг асосий харидори Япониядир. Ушбу мамлакат аҳолисининг

узоқ умр кўриши сири ҳам стевиядан дамланган чай истеъмоли билан боғлиқ экан.

Қайд этганимиздек, юртимизда ҳам ушбу йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратилаётган. Шундан келиб чиқиб, 2014 йили маэкур ўсимлик қўчатини кўпайтириш мақсадида "Stevia Bo'ston" масъулияти чекланган жамиятига асос солдик. Ўша йилнинг баҳорида ҳўжалигимизга мўъжизакор ўсимликнинг 6 мингта сини келтириб қададик. Айни пайтда ҳўжалигимизнинг 5 гектар майдонида 600 минг туп кўчат мавжуд. Улардан ўртача 6 минг килограмм қуритилган стевия баргини олиш мумкин. Бу 300 тонна шакар, деганидир. Яна шу ўсимликдан 10 гектар ерга кўчат тайёрлаш имкониятимиз бор.

Раҳматилла АБДУЛЛАЕВ, «Stevia Bo'ston» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

«Ўзмиллийбанк»: ДЕҲҶОН БОЗОРЛАРИ ЎРНИНИ ЗАМОНАВИЙ САВДО МАЖМУАЛАРИ ЭГАЛЛАМОҚДА

Юртимиз шаҳарсоҳлигидеги бугунги ўзгаришлар нафақат бир-биридан кўркам турархўйлар, маҳобатли бино ва иншоотлар меъморий ечимиде, балки шаҳар ҳамда туман марказларида қад ростлаётган деҳқон бозорлари ташқи қиёфасида ҳам яққол акс этмоқда. Бинобарин, қабул қилинган тегишли дастурга асосан, 2017 — 2019 йиллар давомида республикамиз бўйича 242 та деҳқон бозори ўрнида умумий қиймати 968 миллиард сўмлик янги замонавий савдо мажмуалари қурилиши режалаштирилган.

О'ZMILLIYBANK

Шундан келиб чиқиб, «Ўзмиллийбанк» томонидан барча қўлайликка эга савдо мажмуалари бўнбёд этилиб, бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Шулардан бири Бекобод шаҳрида ишга туширилди.

Kozinka.uz савдо белгиси билан ҳамкорликда барпо қилинган маэкур мажмуада ушбу шаҳар ва қўшни туманлар аҳолисига замонавий хизмат кўрсатилиб, сифатли ҳамда арзон маҳсулотлар етказиб бериляпти. Чунки бу ерда тадбиркорлар билан бирга, деҳқонларга томоқлариде етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Молия муассасаларида

Савдо мажмуаси ш бошлаши билан 60 та иш ўрни очилган бўлса, ҳадемай, бу рақам 100 тадан ошиши кутилляпти. Кўштепа (Фаргона вилояти) деҳқон бозори ҳам қисқа фурсат ичиде мана шундай замонавий қиёфа касб этган объектлар қаторидан қўл олди. Бунинг учун «Ўзмиллийбанк»нинг 5,5 миллиард сўмлик маблағи йўналтирилди. Табиийки, бу туман ахли ва тадбиркорлар учун қатта совға бўлди. Савдо мажмуасининг очилиш маросимида Кўштепа тумани фаоллари, тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, деҳқон бозорларининг замонавий меъморчилик ютуқлари асосида қайта бўнбёд қилинаётгани замириде, аввало, тадбиркорлар ва истеъмолчиларга бирдек қўлай шарт-шароит яратиш, савдо маданиятини юксалтириш мақсади муҳассам.

Кенг ҳамда ёруғ савдо мажмуи расталари қишлоқ ҳўжалигининг сархил маҳсулотлари ва бошқа товарлар билан тўлдирилган. Ҳамма жойи озода ҳамда саранжом. Бунни маэкур деҳқон бозорида қиласанга, ўртадаги фарқ катта эканлигига амин бўласиз. Банкининг молиявий қўмаги билан бундай обод манзиллар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам тора

бора кўпаймоқда. Масалан, яқинда Ургут ҳамда Гиждувон туманлари деҳқон бозорлари ўрнида ҳам йирик савдо мажмуалари қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Бугун бу ерга келган кишининг баҳридилди очилади. Савдо расталарига дид билан жойлаштирилган мева-сабзавотлар, озиқ-овқат маҳсулотларининг сероблигидан кўз қувонади. Гарчи, ўлкамизда қиш фасли ҳўқум сураётган бўлса-де, ёз неъматлари етарли. Нимаики изламсан, албатта, топилади. Зеро, бу кўт-барака замирида юртимизда инсон манфаатини кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган дастурлар ижроси йўлидаги сай-ҳаракатлар муҳассамдир.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги марказ кончилик соҳаси ишчиларини портлатувчи, ўтувчи, кавжой ишчиси касблари бўйича 1 — 3 ойлик малака ошириш курсларига ўқишга таклиф қилади. Курслардаги машғулотларни университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари ўтказадилар. Битирувчиларга сертификат берилади. Тел.: 71-246-82-70.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КўМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТўҒРИСИДА 2019 йил 4 январдан 11 январгача бўлган маълумотни хабар қилади.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/14-сон "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жиомий шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низома ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.
 - 2019 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1141-3. (2019 йил 5 январдан қуча кирди).
 2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 4 январдаги 2-м-сон "Нотариус томонидан нотариал харакатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ни тасдиқлаш ҳақида"ги бўйруғи.
 - 2019 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113. (2019 йил 5 январдан қуча кирди).
 3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 4 январдаги 3-м-сон "Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низома ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги бўйруғи.
 - 2019 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114. (2019 йил 5 январдан қуча кирди).
 4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 4 январдаги 4-м-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қурулмида Олий малака комиссияси тўғрисидаги низома ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги бўйруғи.
 - 2019 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-5. (2019 йил 7 январдан қуча кирди).
 5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 36-3-сон "Биржа савдоларида шақари сотиш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарорини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги бўйруғи.
 - 2019 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1811-1. (2019 йил 8 январдан қуча кирди).
 6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/21-сон "Тижорат банкларига жиомий шахслардан нақд чет эл валютасини сотиш олиш учун Марказий банк томонидан маъмурият тартиби тўғрисидаги низома ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги бўйруғи.
 - 2019 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2912-1. (2019 йил 8 январдан қуча кирди).
 7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 7-м-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги бўйруғи.
 - 2019 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3115. (2019 йил 9 январдан қуча кирди).
 8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 8-м-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежлари ўқувчилари томонидан ўқув ва малакавий амалиётни ўташ тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги бўйруғи.
 - 2019 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3116. (2019 йил 9 январдан қуча кирди).
 9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 9-м-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежлари ўқувчи-

- ларининг билимини баҳолаш тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги бўйруғи.
- 2019 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3117. (2019 йил 9 январдан қуча кирди).
10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 10-м-сон "Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси қурулиди. Олий малака комиссияси тўғрисидаги низома ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги бўйруғи.
- 2019 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1920-1. (2019 йил 9 январдан қуча кирди).
11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 11-м-сон "Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бошқармалари қурулиди. Малака комиссиялари тўғрисидаги низома ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги бўйруғи.
- 2019 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-3. (2019 йил 9 январдан қуча кирди).
12. Ўзбекистон Республикаси Давлат ракобат қўмитаси қурулиди. Қўмитали қозғолар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк, Бошқарувининг 2018 йил 12 декабрдаги 18-15, 151, 289-Б-3-сон "Инвестиция воситачиларнинг эмитентларига расмий дилер (маркет-мейкерлик) хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низома ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.
- 2019 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1470-3. (2019 йил 11 январдан қуча кирди).
14. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги 39-сон "Ўзбекистон Республикасининг хоржиди дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспорт бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги бўйруғи.
- 2019 йил 10 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 726-1. (2019 йил 11 январдан қуча кирди).
15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вази́рлар Маҳкамаси қурулиди. Давлат тест марказининг 2018 йил 27 декабрдаги 19-м, 12/қ-сон "Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарорини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.
- 2019 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2001-1. (2019 йил 12 январдан қуча кирди).
16. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 16-м-сон "Умумий

- ўрта таълим муассасасининг қузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низома тасдиқлаш тўғрисида"ги бўйруғи.
- 2019 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3118. (2019 йил 12 январдан қуча кирди).
17. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги 18-м-сон "Халқ таълими муассасасининг Вазирлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низома тасдиқлаш ҳақида"ги бўйруғини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги бўйруғи.
- 2019 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2377-1. (2019 йил 12 январдан қуча кирди).
18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 78-қ/қ, 13/қ, 32-қ/қ, 162-сон "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошқаруви, техник, хизмат кўрсатуви ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий шартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

- Хабар
- 2019 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119. (2019 йил 12 январдан қуча кирди).
 19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 12/қ, 31-қ/қ, 161-сон "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари бошқаруви, техник, хизмат кўрсатуви ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий шартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорини ўз қучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.

- II. Давлат реестридан чиқарилди:
1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг "Устав капиталиде давлат акциялари пакети (гуллушлари) 50 фонздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказишда аудиториялик ташкилотлари рўйхатига аудиториялик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида"ги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1668, 2007 йил 28 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1668-1, 2008 йил 9 сентябрь), (рўйхат рақами 1668-2, 2011 йил 13 январь), (рўйхат рақами 1668-3, 2014 йил 15 январь), (рўйхат рақами 1668-4, 2017 йил 7 февраль), (рўйхат рақами 1668-5, 2017 йил 14 декабрь).
 - Адлия вазирлигининг 2018 йил 26 октябрдаги 505-м-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
 - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг "2018 йил учун давлат статистика хисоботи шакл-

- ларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (рўйхат рақами 2956, 2017 йил 19 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2956-1, 2018 йил 12 март), (рўйхат рақами 2956-2, 2018 йил 3 май), (рўйхат рақами 2956-3, 2018 йил 23 июнь).
- Адлия вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 510-м-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг "Аудитория ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги бўйруғи (рўйхат рақами 1709, 2007 йил 3 сентябрь).
- Адлия вазирлигининг 2018 йил 28 ноябрдаги 519-м-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
- Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг "Стратегик ва монопол маҳсулотлар, ҳам ашё ва материалларни биржа ва қимомаш савдоларида қўйилишни назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 2125, 2010 йил 26 июль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2125-1, 2012 йил 6 март), (рўйхат рақами 2125-2, 2012 йил 2 июль), (рўйхат рақами 2125-3, 2013 йил 23 август), (рўйхат рақами 2125-4, 2017 йил 11 сентябрь).
- Адлия вазирлигининг 2018 йил 28 декабрдаги 551-м-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг "Акциз товарларининг айрим турларини сотиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқлаш ҳақида"ги бўйруғи (рўйхат рақами 2090, 2010 йил 30 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2090-1, 2010 йил 20 май), (рўйхат рақами 2090-2, 2010 йил 19 июль), (рўйхат рақами 2090-3, 2010 йил 21 октябрь), (рўйхат рақами 2090-4, 2011 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 2090-5, 2012 йил 21 май), (рўйхат рақами 2090-6, 2012 йил 30 сентябрь), (рўйхат рақами 2090-7, 2013 йил 30 сентябрь), (рўйхат рақами 2090-8, 2014 йил 9 июнь), (рўйхат рақами 2090-9, 2015 йил 11 март), (рўйхат рақами 2090-10, 2015 йил 22 декабрь), (рўйхат рақами 2090-11, 2016 йил 12 декабрь), (рўйхат рақами 2090-12, 2016 йил 26 декабрь), (рўйхат рақами 2090-13, 2017 йил 5 апрель), (рўйхат

- рақами 2090-14, 2017 йил 22 июнь), (рўйхат рақами 2090-15, 2017 йил 22 август), (рўйхат рақами 2090-16, 2018 йил 15 январь), (рўйхат рақами 2090-17, 2018 йил 22 февраль).
- Адлия вазирлигининг 2019 йил 4 январдаги 2-м-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.
- Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг "Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низома тасдиқлаш ҳақида"ги бўйруғи (рўйхат рақами 2165, 2010 йил 20 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2165-1, 2011 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 2165-2, 2012 йил 8 июнь), (рўйхат рақами 2165-3, 2014 йил 9 июнь), (рўйхат рақами 2165-4, 2014 йил 30 декабрь), (рўйхат рақами 2165-5, 2015 йил 21 май), (рўйхат рақами 2165-6, 2015 йил 29 декабрь), (рўйхат рақами 2165-7, 2017 йил 23 январь), (рўйхат рақами 2165-8, 2017 йил 20 июнь), (рўйхат рақами 2165-9, 2018 йил 13 сентябрь), (рўйхат рақами 2165-10, 2018 йил 6 январь), (рўйхат рақами 2165-

ЁШЛАР ОРЗУСИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЭДИ?



Бизнинг маълумот:

Айни пайтда "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида (Шифокорлар шаҳарчаси билан) 2 та республика ташкилоти, 3 та олий таълим муассасаси, 4 та академик лицей, 4 та касб-хунар коллежи, 2 та илмий-тадқиқот институти, 7 та марказ, 3 та малака ошириш институти, битта хусусий мактаб ҳамда 6 та тиббиёт муассасаси жойлашган. Билим даргоҳларида 26 мингдан зиёд талабалар ҳамда қарийб 8 минг нафар ўқувчилар тахсил олади. Талабалар тураржойларида эса 8 мингга яқин йигит-қизлар истиқомат қилади.



Йўқдан йўндирилган натижа

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси:

— Бундан ўн беш йил аввалги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги қонқарсиз аҳолини кечагидек жуда яхши эслаймиз. 2005 йилда, ўша вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимида фаолият олиб борган Шавкат Мирзиёев мазкур шаҳарчага келиб, аҳолини ўз кўзи билан кўрди. Фарзандларимизнинг яшаш шароити, таълим олиши учун яратилган ҳолат билан танишди. Талабалар тураржойлари, ювенил хоналари, ҳатто ертўлаларигача тушиб кўрди-да, жуда хафа бўлди. "Болаларимиз қандай қилиб бундай ҳолатда яшапти?" Шунча пул топсак, шунча олтинимиз, пахтаимиз бўлса, нега фарзандларимиз бунга хароб ҳолатда яшаш керак?" дея ниҳоятда қаттиқ қуюнганди. Шундан сўнг вазиятни ўнглаш мақсадида давлат раҳбарига таклиф киритди. Аммо Молия вазирлиги томонидан маблағ йўқлиги вақт килиниб, рад этилди. Табиатан куюнчак, айниқса, ёшлар тақдирига беларво муносабатга жим қараб туролмайдиган Шавкат Мирзиёев шаштидан қайтмади. Бу оғриқли масалани ҳал этишнинг бошқа йўллари излай бошлади. Шаҳарчага барча давлат идоралари ва йирик корхоналар раҳбарларини таклиф қилиб, мавжуд аҳвол билан таништирди. Йиғилишда иштирок этганларнинг кўпчилиги қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун имкон доирасида хомийлик маблағларини ажратибга таяёр эканини билдирди. Ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам узокни кўзлаб, оқилона қарор қабул қила оладиган бир шахсининг ташаббуси билан мана шундай мураккаб муаммага ечим топилгандай ўшанда. Бу нафақат ёшлар, балки улар тим-солида бутун халқимизни рози қилиш йўлидаги жасоратли қадам эди.

Ободлик сари илк қадамлар

Абдуқаҳор ТҲҲТАЕВ, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири:

— Ўша пайтларда, яъни 2005 йилда мени Тошкент шаҳар ҳокими эдим. Шавкат Мирмонович мени чақириб, "Ёшлик" талабалар шаҳарчасига боришимизни айтди-лар. Биргаликда бордик. Талабалар тураржойларини, умуман, бутун шаҳарчани айланиб, ҳолатни ўргандик. Ўзбекистон Миллий университети, ҳозирги Тошкент давлат техника университети тураржойлари ва уларнинг спорт мажмуаларини реконструкция қилишни, жумладан, Миллий университетга қарашли учта спорт залини капитал таъмирлаш ҳамда уларни спорт турларига мослаштириш, қолаверса, ТДТУда спорт мажмуаси бўлмаганилиги учун янги, II типдаги спорт маж-

хоналари, кутубхоналар, ошхона, ювенил ва кир ювиш хоналари ташкил этилди. Қолаверса, икки университет спорт мажмуаларининг бўш турган майдонида ёпиқ, халқаро стандартларга жавоб берувчи сув ҳавзалари барпо этилиши учун лойиҳаларни кўриб, қуришга рухсат бердилар. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети сув ҳавзаси 50/11 ўлчамли бўлиб, 400 томошабинга мўлжалланди. Бу ерда ҳам спортчиларга барча шарт-шароит муҳайё этилди. Тошкент давлат техника университети эса 40/18 ўлчамли II тип спорт залига эга бўлди. Бундан ташқари, ҳудуддаги 32-поликлиника капитал таъмирланиб, айнан талабалар учун топширилди. Зарур тиббиёт жихозлари билан таъминланди. Бундай ишлар-

Бизнинг маълумот:

Бугун "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси тубдан янгиланмоқда. Уни қурилиш ва ободлаштириш майдонига қиёсасак арзийди. Бунга кунга кеча ушбу ҳудудга келганимизда гувоҳ бўлдик. Ишлар якунига етиб қолган. Ушбу юмушларни бажарётган "Build City" масъулияти чекланган жамияти вакили Баҳром Нурматовнинг айтишича, ҳудудда 12 минг квадрат метр автомобиль йўлига асфальт ётқизибли, пидедалар учун 10 минг квадрат метр йўлак барпо этилди. Шунча майдон кўкаламзорлаштирилди. 400 ўринли автотураргоҳ қурилди. Метродан чиқши йўлидан тортиб, университетларга бўлган масофага ранг-баранг чироқли симёғочлар, ораликда дам олиб, ҳордиқ чиқариш учун махсус ўриндиқлар ўрнатилди. Ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги биноси жойлаштирилаётгани ҳам бежиз эмас. Бинобарин, бу ерда фаолият бошлайдиган илмий-амалий марказ ва бошқа инновацияга доир ташкилотлар талабалар ҳамда илмий ходимлар амалий ишлари ҳамкорлигини таъминлашда қўл келади. Шу ўринда яна бир гап. Энди олий ўқув юртлири ҳудудигагина автомашинада боришмайди. Транспорт воситалари автотураргоҳда қолдирилиб, у ёғина яёв юрилади. Бу ҳам талабалар, шу ҳудудда меҳнат қилаётганлар, умуман, меҳмонларга янада қулайлик яратади.

Бизнинг маълумот:

Беруний метро бекатидан университетлар томонга чиқилганда, ўнг тарафда Абу Райҳон Беруний ҳайкали ўрнатилиб, атрофида зарҳал безаклар, қадим мозиини ёдга солувчи замонавий устунлар жойлаштирилмоқда. Қишда ҳам баҳорни ёдга солувчи майдонлар яратилган.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Фидойи ва ватанпарвар одам ҳаммани эзгуликка бошлайди

Авезжон МАРАҲИМОВ, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори:

— Талабалар шаҳарчасидаги илк бинолар ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган. Қатор таълим муассасалари, халқ тилида "ётоқхона" деб аталувчи ўнлаб талабалар тураржойлари, аҳоли яшайдиган объектлар жойлашган ҳудуд Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 11 февралдаги қарорига биноан "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси деб аталса-да, бу ердаги иншоотларнинг бирортаси таъмирланмаганидан, эскириб кетганидан, муҳитда қандайдир сўғилнилик, эски давр руҳи уфуриб турганидан ёшлар шаҳарчасини ўз номига мос, деб бўлмасди. Деразаю ойналари синиб, эшигу деворлари пугурдан кет-

қарши чиққан, амалга ошириб бўлмайдиган иш деб қараган эди. Лекин Шавкат Мирмонович фикрида қатъий турди ва мақсадини амалга оширди. 2005 йилнинг ёзини яхши эслаймиз. Шавкат Мирмонович ҳудуддаги ҳар бир талабалар тураржойи биносига шахсан ўзи кириб, мавжуд муаммолар билан танишди. Иморатларнинг чордоғи ва ертўлаларигача кўздан кечириб, бўлган "Бундай оғир шароитларда яшаб келаётган фарзандларимизга тасанно айтсак арзир-кан... Бу ердаги муаммоларга эҳтиш билан ечим топмасак, эртага кен бўлади", деган эди. Кўп ўтмай, "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида қурилиш-таъмирлаш, ободлаштириш ишлари бошланганди. Шавкат Мирзиёев деярли ҳар кун ҳудудга келиб, олиб бори-

лаётган бунёдкорликлар билан танишди. Махсус штабда йиғилиш ўтказиб, "Фалончи, сен мана шу институтда ўқигандинг, анани тураржойда яшагандинг, бугун мана пис-тончи ташкилотнинг раҳбарисан, энди шу ҳудуднинг обод бўлишига ҳисса қўшиш бурчинг", деб қурилиш ишларига ҳомий сифатида бириктирилган ташкилотлар, вазирлик ва идоралар раҳбарларини янада фидойий бўлишга, бунёдкорлик ишларини жонлантиришга даъват этарди. Қисқа фурсатда шаҳарча бутунлай янги қиёфа касб этди. Замон талаблари асосида қайта қад рўстлаган талабалар тураржойлари, спорт иншоотлари, хизмат кўрсатиш объектлари кўзни қувонтиради. Энг муҳими, бу ерда деярли ҳар кун келиб-кетеди-

Шаҳарча янада чирой очяпти

Қаҳрамон ШОНАЗАРОВ, Олмазор тумани ҳокими ўринбосари, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими:

— Президентимизнинг ушбу саъй-ҳаракатини чинакам жасорат, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз. Чунки ўша вақтларда шаҳарчамиздаги тураржойларнинг аксарияти, чиндан ҳам хароб аҳволда, инфратузилма ҳам ҳаминқадар эди. Умуман, талабаларнинг билим олиш ҳамда яшаш шароитлари яхши эмасди. Мен ўша йиллари Тошкент давлат техника университетининг Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори бўлиб ишлардим. Ўзим шохиди бўлганман, Шавкат Мирзиёев қадам-ба-қадм ҳудудни айланиб чиқиб, тегишли вазифалар бўйича аниқ кўрсатмалар берадилар. Яъни Шавкат Мирмоновичнинг талабаларга эътибори ўзгача эди. Ушунда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича махсус штаб ҳокимлигимизда жойлашган эди ва у ерда иш кеча-кундуз қизғин кечарди. Энди бевосита бугунги кундаги ўзгаришларни қаранг. Қурилишни, ободликни кўриб, ҳавасингиз келади. Шаҳарчамиз янада чирой очяпти.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. Манзил: Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров. Навбатчи — Р. Шеркулов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6